

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент Кимё халқаро
университети ректор в.б.
А.Б.Аллакулиев



« ____ » _____ 2026 й.



«МАЎҚУЛЛАНДИ»
Ўзбекистон Республикаси Олий
таълим, фан ва инновация вазирлиги
хузуридаги ОАК раиси
А.Т. Юсупов

« ____ » _____ 2026 й.

**08.00.05 – «Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти»
ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон
Д А С Т У Р И**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси
Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт кенгашининг
қарори билан тавсия этилган (_____, №____)

ТОШКЕНТ – 2026

ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ

**08.00.05 – «Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти»
ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон
Д А С Т У Р И**

ТОШКЕНТ – 2026

Дастур Тошкент Кимё халқаро университетида ишлаб чиқилди ва университет Илмий Кенгашининг 2026 йил « » _____ бўлиб ўтган мажлисида кўриб чиқилди(№- баённома) ва маъқулланди.

ОАК тартиб-қоида комиссиясининг 2026 йил _____ даги мажлисида “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” фани бўйича малакавий имтиҳоннинг дастури сифатида қабул қилинди.

Тузувчи:

Вахабов А.В. - иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;

Такризчилар:

Режапов Х.Х. - иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;

Расулов Т.С. - иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарорларида олий таълим тизимини ислох этишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган олий таълимдан кейинги таълимда иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) тайёрлаш жараёни муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу жараён миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишжараёнида янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу дастур “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” таркибига кирувчи фанларнинг долзарб масалалари, республикада бозор иқтисодиётини шакллантириш муаммолари; хизмат кўрсатиш соҳаларининг иқтисодий ривожланиши, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда илмий билишнинг янги усуллари, янги педагогик ва ахборот технологияларни қўллашнинг методологик муаммолари ва бошқаларни ўз ичига олади. Дастур “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” фанидан малакавий имтиҳон топширувчиларнинг билим даражасини аниқлаш ва оширишга йўналтирилган.

**“Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” фани дастурининг таркибий
тузилиши
(иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасига
талабгор тадқиқотчиларнинг малакавий имтиҳон топшириши учун)**

Т/р	Мавзуларнинг номи
1	Хизмат соҳаси иқтисодий асослари, гуруҳланиши ва ривожланиш омиллари.
2	Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва истикболлари
3	Хизмат кўрсатиш соҳасининг бозор муносабатлари шароитидаги ўрни
4	Хизмат кўрсатиш соҳасига кирувчи тармоқлар таснифи ва турлари
5	Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти ва кичик бизнес
6	Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик
7	Хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг асосий воситалари ва ишлаб чиқариш қувватлари
8	Хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларида айланма маблағлар
9	Хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларда бизнес режа ва уларни бажаришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари
10	Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ресурслари ва ходимлар иш ҳақи
11	Хизмат кўрсатиш соҳасида фан-техника тараққиёти, инновация ва инвестициялар
12	Хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида баҳо, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари
13	Хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида молиявий натижалар, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар
14	Туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми
15	Давлат томонидан хизмат кўрсатувчи соҳаларни тартибга солиш

АСОСИЙ ҚИСМ

1-Мавзу. Хизмат соҳаси иқтисодий асослари, гуруҳланиши ва ривожланиш омиллари.

Хизмат соҳасининг жамиятдаги ўрни ва вазифалари. Хизмат соҳасининг жамиядаги моҳияти, турлари ва гуруҳланиши. Хизмат соҳасининг миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишдаги ўрни. Хизмат соҳаси тармоқларининг барқарор ривожланишини назарий ва амалий жиҳатлари.

2-Мавзу. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари

Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ҳуқуқий – институционал асослари. Мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш соҳаси таркиби ва ривожланиш тенденциялари. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти стратегиясида хизмат кўрсатиш соҳасида белгиланган мақсадларни бажарилиши ҳолати ва йўналишлари. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича белгиланган мақсадлар ва уларни амалга ошириш йўналишлари. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишини ва прогнозлаштиришни моҳияти. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастурлари ва уларни амалга ошириш йўналишлари. Прогноз ва режанинг ўзаро боғлиқлиги. Прогнозлаштириш методологияси. Жорий прогнозлаш усуллари. Прогноз кўрсаткичларини асослаш усули. Режалаштириш усуллари.

3-Мавзу. Хизмат кўрсатиш соҳасининг бозор муносабатлари шароитидаги ўрни

Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий табиати, иқтисодий-ижтимоий моҳияти ва тавсифи. Халқаро таснифдаги тармоқларнинг бирламчи, иккиламчи, учламчи ва тўртламчи секторлари. Хизмат кўрсатиш соҳасининг вужудга келиш сабаблари ва тарихи. Соҳани ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар. Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари. Хизмат кўрсатиш соҳасининг вазифалари. Хизмат кўрсатиш соҳасининг инфратузилмаси. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини истеъмолчилар талабига йўналтириш. Хизмат соҳаси махсулотларига бўлган талабни белгиловчи омиллар. Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари махсулотларига бўлган талабни прогнозлаштириш ёндашувлари. Хизматга бўлган талабни прогнозлаштиришни сифат ва миқдорий услублари. Сервис тушунчаси, унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари. Сервис соҳасида рақобат муҳитининг шаклланиши. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш муаммолари ва ечимлари. Хизматлар соҳасини модернизациялаш ва унда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги хусусийлаштириш хусусиятлари.

4-Мавзу. Хизмат кўрсатиш соҳасига кирувчи тармоқлар таснифи ва турлари

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг ҳолати, таркиби ва ривожлантириш тенденциялари. Уй-жой коммунал хўжалиги хизматлар соҳасининг ҳолати ва ривожланиш муаммолари. Аҳолига кўрсатиладиган транспорт хизматларининг ҳолати ва ривожланиш муаммолари. Йўловчи ва юк ташиш хизматлари моҳияти ва ривожланиш тенденциялари. Алоқа хизматлари ҳолати ва ривожланиш муаммолари. Маданият соҳаси муассасалари кўрсатадиган маданият хизматлари ҳолати ва ривожлантириш муаммолари. Туристик ва экскурсия хизматлари мазмуни ва ривожланиш истиқболлари. Меҳмонхона хўжаликлари хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш муаммолари. Соғлиқни сақлаш хизматлари ҳолати ва ривожланиш муаммолари. Савдо ва оммавий овқатланиш хизматлари ҳолати ва ривожланиш муаммолари. Консалтинг хизматларининг ҳолати ва ривожлантириш муаммолари. Ахборот-коммуникация хизматлари, ҳолати тенденциялари ва ривожлантириш муаммолари. Лизинг хизматлари ҳолати ва ривожланиш муаммолари. Воситачилик хизматларини ташкил этиш муаммолари. Таълим хизматларини ривожлантириш. Молиявий хизматлар (банк, суғурта хизматлари). Қурилиш хизматлари. Қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш хизматлари. Хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ташкил этишдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги бой, илғор хорижий тажриба ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари.

5-Мавзу. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти ва кичик бизнес

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик моҳияти ва кичик бизнес фаолиятини ташкил этишнинг хусусиятлари. Соҳада тадбиркорликни ташкил этиш шакллари ва турлари. Хизматлар бозори. Хизматлар кўрсатиш бозорини вужудга келиши қонуниятлари ва ривожланиш босқичлари. Хизматга бўлган талаб ва уни қондириш шакллари. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги франчайзинг корхоналари. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорнинг имиджи. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорнинг функциялари. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш. Тадбиркорликда корпоратив бошқарув қарорларини қабул қилиш ва хизмат битимларини тузиш тартиби.

6-Мавзу. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик

Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликнинг мазмуни ва аҳамияти. Соҳа корхона ва ташкилотларида ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги. Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликнинг мезонлари, индикаторлари ва кўрсаткичлари. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда рақобатнинг роли. Рақобат турлари. Хизмат кўрсатиш ташкилотларини

рақобатбардошлиги ва уларни баҳолашни услублари. Хизмат кўрсатиш ташкилотлари рақобатбардошлигини таъминлашни усуллари, шарт-шароитлари ва йўналишлари. Хизмат кўрсатиш соҳасида харажатлар ва инвестициялар самарадорлиги ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий самарадорликнинг кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари. Хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорликни белгиловчи омиллар. Бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорликни оширишнинг устувор йўналишлари.

7-Мавзу. Хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг асосий воситалари ва ишлаб чиқариш қувватлари

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхона ва ташкилотларида асосий воситалар, уларнинг турлари ва таснифи. Асосий воситаларни баҳолаш усуллари. Хизмат кўрсатувчи корхоналарда асосий воситалар амортизацияси ва уни ҳисоблаш усули. Ишлаб чиқариш қуввати тушунчаси ва уни ҳисоблаш усуллари. Асосий воситалар ҳолатини баҳолаш, улар билан таъминланганлик, самарадорлилик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари. Асосий воситалардан ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати ва яхшилаш йўналишлари.

8-Мавзу. Хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг айланма маблағлари

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхона ва ташкилотларида айланма маблағлар тушунчаси. Айланма маблағлар таркиби ва тузилиши. Айланма маблағлар шаклланишини белгиловчи омиллар. Айланма маблағлар ҳаракати. Хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг айланма маблағларга бўлган талабини аниқлаш. Айланма маблағларнинг функциялари. Айланма маблағлар ҳолати, улар билан таъминланганлик, самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари. Айланма маблағларни бошқаришни ташкил этиш. Хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларда айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари. Айланма маблағлар самарадорлигини ошириш йўллари.

9-Мавзу. Хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларда бизнес режа ва уларни бажаришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари

Бизнес режа тушунчаси, турлари ва таркиби. Хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларда тузиладиган бизнес режанинг функциялари. Тузиладиган бизнес режа турлари ва бўлимларининг тавсифи. Бозор муносабатлари шароитида режалаштиришнинг методологик асослари. Режалаштиришнинг тамойиллари, методлари ва кўрсаткичлари. Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари корхона ва ташкилотлари фаолиятига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар, ҳамда улардан режалаштиришда фойдаланиш. Хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларида ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш ва режалаштириш усуллари, тартиби ва тузилиши. Хизматларни (ишларни, маҳсулотларни) сотиш ҳажмини

режалаштириш. Хизмат соҳасида таъминотни режалаштириш.

10-Мавзу. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ресурслари ва ходимлар иш хақи

Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, таснифи ва тавсифи. Меҳнат ресурсларининг самарадорлиги тушунчаси, мезон ва кўрсаткичлари, уларни аниқлаш усуллари. Меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари.

Хизмат соҳаси корхона ва ташкилотларида иш хақи шакллари. Соҳа корхона ташкилотларида иш хақи фондининг шаклланиш механизми. Хизмат соҳаси корхона ва ташкилотларида иш хақи фондини тасдиқлаш ва меҳнатни рағбатлантириш масалалари. Хизмат соҳаси корхона ва ташкилотларида иш хақи кўрсаткичларини таҳлил қилиш, режалаштириш тартиби ва услублари.

11-Мавзу. Хизмат кўрсатиш соҳасида фан-техника тараққиёти, инновация ва инвестициялар

Фан-техника тараққиётининг моҳияти ва унинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга таъсири. Хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналарида инновацион тараққиётни режалаштириш, ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар. Фан-техника тараққиётининг устувор йуналишлари. Инновация тушунчаси, таснифи ва уларнинг хизмат соҳаси корхона ва ташкилотларини ривожлантиришдаги ўрни. Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялашда ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда инновацияларнинг ўрни. Инновацион муҳит ва унинг самарадорлиги. Хизмат кўрсатиш корхоналарнинг ресурслари ва уларнинг турлари. Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий ресурслари таркиби ва уларни бошқаришни тамойиллари, ёндашувлари ва услублари. Корхона ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари. Корхонанинг инвестиция фаолияти. Инвестиция стратегияси. Хизмат соҳаси корхоналарида инвестицион режанинг тузилиш тартиби. Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш имкониятлари. Хизмат кўрсатиш соҳасини моддий техника базасини ривожлантиришда инвестицион ресурслар ўрни ва инвестицион жозибадорликни ошириш услублари. Инвестицияларни инновацияларга йўналтириш муаммолари ва ҳал этиш йўллари.

12-Мавзу. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида баҳо, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари

Рақобат шароитида баҳонинг шаклланиш асослари. Хизмат кўрсатиш корхоналари кувватини аниқлаш, талабни бошқариш стратегияси. Баҳони шаклланиши. Реклама. Баҳонинг элементлари. Баҳонинг турлари. Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тушунчасининг моҳияти. Хизмат соҳасидаги ишлаб чиқариш харажатларининг мазмуни ва тавсифи. Хизмат соҳаси корхона ва ташкилотларида маҳсулотлар, ишлар, хизматлар таннархига кирувчи харажатлар таркиби, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.

Хизматлар, ишлар, маҳсулотлар таннархини калкуляция қилиш. Ишлаб чиқариш харажатлари сметаси. Хизматлар, ишлар, маҳсулотлар таннархини тежаш йўллари. 2025 йилда ресурсларни тежовчи иқтисодий ривожланиш моделига ўтишни устувор йўналишлари. Иқтисодиётда таркибий ўзгартиришнинг моҳияти ва мамлакат рақобатдошлигини оширишдаги ўрни. Кооперация алоқаларини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг йўналишлари. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, уларни аҳолини турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш йўналтириш.

13-Мавзу. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида молиявий натижалар, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар

Хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими: даромадлар, фойда ва рентабеллик. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида даромадлар ва молиявий натижаларнинг аҳамияти. Асосий ва асосий бўлмаган фаолиятдан олинadиган даромадлар. Молиявий фаолият даромадлари ва уларнинг тавсифи. Фавқулодда даромадлар ва уларнинг вужудга келиши. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида молиявий натижаларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхона ва ташкилотларида фойда, унинг турлари, шаклланиши ва тақсимланиши. Фойда миқдорига таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари. Соҳада рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари. Рентабелликни оширишнинг устувор йўналишлари ва имкониятлари. Рентабеллик кўрсаткичига таъсир этувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари.

14-мавзу. Туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми

Ўзбекистон Республикасида миллий, минтақавий ва маҳаллий даражаларда туризмни ривожлантириш йўналишлари. Туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва хусусиятлари. Давлатнинг туризм сиёсатини амалга ошириш механизми ва туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш дастаклари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг туризм соҳасига оид фармон ва қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чоратadbирлар. Туризмни ривожлантириш концепцияси, унинг мазмуни, моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.

15-мавзу. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида давлат томонидан хизмат кўрсатувчи соҳаларни тартибга солиш

Хизмат кўрсатиш соҳасини рақамлаштиришнинг моҳияти ва устувор йўналишлари. Рақамли технологиялардан фойдаланиб хизмат кўрсатишни ривожлантириш масалалари. Хизмат кўрсатиш соҳасида “Сунъий интеллект” дан

фойдаланиш имкониятлари. Хизмат кўрсатиш соҳаси харажатларини камайтиришда “Электрогн савдо”, “Буюмлар интернет”, “Блокчейн” ва бошқа рақамли технологиялар асосида фойдаланишнинг устувор йўналишлари.

Хизмат кўрсатиш соҳаларини амал қилишини давлат томонидан тартибга солишни механизми ва дастаклари. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишидаги бозор ва давлат дастакларини ўртасидаги нисбат. Давлат томонидан хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб қувватлаш шакллари. Хизмат кўрсатиш соҳасида солиқларни табиати, функциялари ва солиқ солиш тамойиллари. Солиқ юки ва уни камайтириш йўллари. Хизмат кўрсатиш соҳаси талаблари, ишлаб чиқарувчиларни солиққа тортиш хусусиятлари.

Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 15-майдаги ПҚ-5113-сонли “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60 сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги ПФ-158 сонли “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президента Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 26.12.2025 йил.
5. World Bank. Перспективы Роста : За Счет Сферы Услуг В Узбекистане (Russian). Washington, D.C.: World Bank Group.
<http://documents.worldbank.org/curated/en/099121124113533116>.
6. Мирзаев Қ.Ж., Шарипов Т.С., Султонов Ш.А, Мустафоев Ғ.С., Файзиев Э.С. “Хизматлар соҳаси иқтисодиёти” – Самарқанд, 2020 йил 319 б.
7. Кара А.Н. Экономика сфера обслуживания: учеб. пособие. – М.: Издательский центр “Академия”, 2010 – 320 с.
8. Василенко Н.В. “Экономика сферы услуг”, учебник М.: НИЦ ИНФРА – М, 2023г, 439-с.
9. Романова М.М. “Экономика сферы услуг”, учебник М.: КНОРУС. 2024. 150 с.
10. Булко О. С. , Милашевич Е. А. , Якубук Ю. П. «Сфера услуг в современной экономике : теория и мировой опыт» монография, Минск: Беларуская навука, 2022, 238 с.
11. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий статистика қўмитаси расмий сайти.
12. www.uza.uz - Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.
13. www.imv.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги расмий сайти.
14. www.mehnat.uz - Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги сайти.
15. www.cer.uz - Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази расмий сайти

16. www.ifmr.uz - Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти расмий сайти.
17. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
18. www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.
19. www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
20. www.oecd.org
21. www.cisstat.com.
22. www.worldbank.org
23. www.imf.org